# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 22 апрель, № 79 (5246) Жума


## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 16 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида»**ги 924–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда) **37-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди қонун билан унинг ваколатлари доирасига берилган фуқаролик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **272-модданинг иккинчи қисмидаги** «адвокатлар малака комиссиясига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **412-модданинг бешинчи қисмидаги** «адвокатлар малака комиссиясига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **242-модданинг 1-банди** «фуқаролик ишлари бўйича судлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги **$245^4$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$245^4$-модда. Фуқаролик ишлари бўйича судлар**

Фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқаролик ишларининг муҳокамаси чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган ҳолларда ушбу Кодекснинг 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади»;

(Давоми 2-бетда).

## КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

**Халқаро конференция қатнашчилари давлатимиз раҳбари тақдим этган Концепцияни шундай баҳолашмоқда.**

***Жорий йилнинг 22-23 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция арафасида унинг баъзи қатнашчилари республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.***

### Сўз — конференция иштирокчиларига

**Марказий Осиё бўйича Кембриж Форумининг тадқиқотлар директори, доктор Шайладжа Феннел** Концепция аҳамиятини, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларни юқори баҳолаб, бир қатор йўналишлар бўйича икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари ҳақида ўз қарашлари билан ўртоқлашди.

Хусусан, эксперт маърузада белгилаб берилган вазифалар яқин йилларда республикани ривожлантириш дастури, умуман, "ўзбек модели"нинг самарадорлигидан далолат беришини таъкидлади.

"Концепциянинг барча олтита йўналиши ниҳоятда қимматлидир. Халқаро ҳамжамият уларнинг ҳар бирида белгилаб берилган Ўзбекистон тажрибасини чуқур ўрганмоғи зарур", деб ҳисоблайди у.

Концепцияда илгари сурилган йўналишлар асосида иккала томон учун жуда муҳим бўлган жиҳат сифатида англиялик эксперт технологик модернизация қилиш, инновацион ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини қайд этиб ўтди. Чунончи, унинг фикрича, Концепцияда кўрсатиб ўтилган бир қатор иқтисодий мазмундаги қоидаларни рўёбга чиқариш доирасида "корпоратив фермерлик ҳамда корпоратив банк тизими" сингари соҳаларда Европа Иттифоқи Ўзбекистон учун эътиборли ва самарали бўлган тажрибага эгадир. Шунингдек, Буюк Британия Ўзбекистоннинг салоҳиятли бизнес-ҳамкори бўлиши мумкин, дея давом этди у. Маълумки, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши кўп йиллар мобайнида муваффақиятли иш юритиб келмоқда, айни чоғда Ўзбекистон Республикасида ишлашга қизиқиш билдирган қатор компаниялар мавжуд. Шу сабабли Ш. Феннел халқаро даражада хусусий сектор ва давлатнинг ҳамкорлиги бўйича Европа ва дунё миқёсида етакчилардан бири деб тан олинган Буюк Британия тажрибаси бирмунча фойдали бўлиши мумкинлигини қайд этди.

Олиманинг фикрига кўра, ЕИ, ОТБ, Жаҳон банки, БМТРД ва умуман, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келаётган халқаро ташкилотлар бу қоидалар замирида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш, мустаҳкамлаш учун асосни кўриши керак.

(Давоми 2-бетда).

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда сенаторлар ва депутатлар, Сенат Кенгаши комиссиясининг аъзолари, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари раислари, вилоятлар ҳокимликларининг вакиллари, "Маҳалла" жамғармасининг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Семинарда таъкидланганидек, юртимизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда мамлакатимизда 9973 та ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозир уларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан ташкилий ишлар олиб борилаётир.

Парламент юқори палатаси Кенгашининг 31 мартда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугаши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайлов ўтказилиши эълон қилингач, жойларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари ва фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ахборот-тушунтириш тадбирлари бошланиб, аниқ ташкилий ишлар бажарилмоқда.

Семинарда мамлакатимиз Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган Концепцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан белгилаб берилган вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

## САНОАТИМИЗНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИ

**пойтахтимиздаги корхоналар фаолиятида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда**

***"Ўзкўргазмасавдо" мажмуида Тошкент шаҳар саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.***

***Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 3 мартдаги "2011 йилда халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржани ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.***




Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.

Унинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимиз бош кентининг саноат салоҳияти ниҳоятда юқори.

Мустақиллик йилларида тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларга қулай инвестициявий муҳит яратиб бериш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли, айниқса, пойтахт иқтисодиёти жадал ривожланмоқда.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда шаҳарда 40 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти ва салкам 16 минг нафар якка тартибдаги тадбиркор рўйхатга олинган. Шундан 8 мингдан зиёди саноат корхоналаридир. Улар томонидан 2010 йилда қарийб 6 триллион сўмлик, шу йилнинг дастлабки чорагида эса 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилдики, бу Тошкентнинг йирик саноат марказларидан бирига айланганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, бу ерда тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотлар нафақат шаҳар, балки бутун мамлакатда ўз харидорларига эга. Чунки саноат корхоналарида асосий эътибор импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга қаратилган.

Ишлаб чиқаришга янгиликларни жорий этиб, ички бозорни озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришда анъанавий ўтказиб келинаётган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг хизмати катта бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Сабаби, мазкур тадбирлар тармоқ ичида ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, маҳсулот ва хом ашё етказиб бериш бўйича янги ҳамкорлар топишда кенг имкониятлар яратмоқда. Буни иштирокчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганидан ҳам илғаш мумкин. Хусусан, бу гал 130 дан ортиқ корхоналар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Уларнинг 90 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил қилади.

Ярмаркага қўйилган маҳсулотлар билан танишар экансиз, саноатнинг барча йўналишлари қамраб олинганига гувоҳ бўласиз. Шу боис бу ер анчайин гавжум. Иштирокчилар маҳсулотини намойиш этиш баробарида фаолияти учун зарур бўлган хом ашё ёки жиҳоз харид қилиш тараддудида. Янги ҳамкорлар топиб, келишувга эришган томонлар эса шартномалар имзолашмоқда.

Қизғин ва ишчан руҳда ўтган тадбирда умумий қиймати 30 миллиард сўмликдан ортиқ шартномалар имзоланди.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

● **РОМИТАН саноат касб-ҳунар коллежини битираётган ўқувчиларнинг 260 нафари тумандаги "Оқ олтин" ҳиссадорлик жамияти, "Ромстар" қўшма корхонаси, "Акфа люкс" МЧЖ каби ўндан зиёд меҳнат жамоаларида ишлайдиган бўлди. Коллежда ташкил этилган меҳнат ярмаркаси шундай самарали якун топди. Тадбир давомида уч томонлама шартномалар тузилиб, ҳамкорлик келишувлари имзоланди.**

● БОҒОТ туманининг Ўғизравот қишлоғидаги "Иброҳим — Бобомурод боймоқ" фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Аминов мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига 20 минг туп дарахт кўчатини ўтқазиб, бир гектарлик боғ барпо этди. Шунингдек, фермер қишлоқдаги 3 та мактаб ва коллежга 8 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини етказиб берди.

● **ДЕНОВ шаҳрида замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган "Ультра диагностика" маркази фойдаланишга топширилди. Бунинг учун марказ раҳбари Баҳром Худойназаров томонидан 200 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда бу ерда аҳоли саломатлигини назорат қилиш учун барча шарт-шароит яратилган.**

● ҚОРАСУВ шаҳридаги "Қурилиш ҳамкор обод" масъулияти чекланган жамиятида алюмин профилдан замонавий эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада ўнга яқин иш ўринлари яратилиб, улар томонидан қисқа муддатда 36,6 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

***«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

## НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**НАМАНГАН**да 2011 йил биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва йилнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Б. Юсупов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг изчил ижроси натижасида биринчи чоракда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 13,9 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 21,9, қурилиш ишлари 26,2, пуллик хизматлар ҳажми 15,9 фоиз ўсди.

Вилоят фаоллари "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини ҳам муҳокама қилдилар. Мазкур дастур доирасида барча манбалар ҳисобидан 35 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилиб, 25 та корхона фойдаланишга топширилди. Шуниси эътиборлики, кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 64,6 фоизга етди.

Йиғилишда ҳудудий бандлик дастурининг ижроси, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш, шу мақсадда, "корхона-коллеж" алоқаларини мустаҳкам йўлга қўйишнинг аҳволи ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Айни пайтда эришилган ютуқлар билан бирга, айрим соҳаларда камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани таъкидланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сарҳисоб

**ГУЛИСТОН**да Сирдарё вилояти фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими О. Ашурматов бошқарган йиғилишда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича олиб борилган ишлар натижасида 2011 йилнинг биринчи чорагида ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришилгани таъкидланди. Жумладан, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот тайёрлашда 108,6 фоиз ўсишга эришилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 50,7 фоизни ташкил этди. Уларга биринчи чорак давомида тижорат банклари томонидан 23,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, йиғилишда ўтган давр мобайнида айрим корхоналар фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани танқид қилинди. Жумладан, "Малик пахта заводи" МЧЖ, "Сардоба пахта тозалаш" АЖ, "Бахтмойинвест" корхоналарида ўсиш суръатлари таъминланмагани кўрсатиб ўтилди.

Истеъмол қилинган электр энергияси ва табиий газ учун ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, етказиб берувчи ҳамда истеъмолчилар ўртасида бозор муносабатлари принципларини жорий этиш ва уларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов иштирок этди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

3) **315-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Фуқаролик ишлари бўйича суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилинади»;

4) **317-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фуқаролик ишлари бўйича суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда протест келтирилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1–2, 11-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 4, 185-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 332-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 335-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **166-модда:**

**иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмининг учинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Айни бир вақтда суд хусусий ажрим чиқаради, ушбу ажрим тегишинча юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига юборилади»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд мажлисида тартибни бузган ёки судга нисбатан бошқача тарзда ҳурматсизлик қилган шахс суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин»;

2) **174-модданинг олтинчи қисмидаги** «адвокатлар малака комиссиясига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **238²-модда** қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) агар фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса»;

4) **337-модданинг учинчи қисмидаги** «адвокатлар малака комиссиясига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 478–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 2001 йил, № 1–2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда; 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 9, 490-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **24-модда биринчи қисмининг 12** ва **13-бандларидаги** «текшириш вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари» ва «текшириш вазифаларини амалга оширувчи органлар» деган сўзлар «назорат қилувчи органлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **36-модданинг учинчи қисми** «Даъво» деган сўздан кейин «ёки ариза» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **55-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Ташкилотлар ва фуқароларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини (бундан буён матнда ҳуқуқий таъсир чоралари деб юритилади) қўллаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти назорат қилувчи органлар зиммасига юклатилади»;

4) **103-модда:**

**1-бандининг русча матнидаги** «в государственный бюджет» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **1¹-банд** билан тўлдирилсин:

«1¹) коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари тўловлари бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган талаб қўйилса»;

5) **II бўлим** қуйидаги мазмундаги **20³-боб** билан тўлдирилсин:

«**20³-боб. Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш**

**155¹¹-модда. Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида мурожаат қилиш ҳуқуқи**

Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида аризалар билан хўжалик судларига назорат қилувчи органлар мурожаат қилишга ҳақли.

**155¹²-модда. Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш**

Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар асосида, ушбу бобда белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда кўриб чиқилади.

**155¹³-модда. Ҳуқуқий таъсир чоралари**

Ҳуқуқий таъсир чоралари қуйидагилардан иборат:

фаолиятни тугатиш;

атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш;

фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

молиявий жазо чораларини қўллаш, бундан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари мустасно;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно.

Хўжалик суди қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам қўллаши мумкин.

**155¹⁴-модда. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни**

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза хўжалик судига ёзма шаклда берилади ва аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи ва уларнинг почта манзиллари;

3) ҳуқуқбузарлик фактини аниқлаган назорат қилувчи органнинг номи;

4) аризада қўйилган талабга асос бўлган ҳолатлар;

5) аризада қўйилган талабнинг асосларини тасдиқловчи далиллар;

6) хўжалик судига мурожаат қилишга асос бўлган ташкилот ёки фуқаронинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

7) аризачининг талаби;

8) низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу тоифадаги низолар учун қонунда назарда тутилган бўлса;

9) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризада бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ушбу моддада, шунингдек ушбу Кодекснинг 155¹⁵-моддасида назарда тутилган талабларни бузган ҳолда берилган ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича аризачига қайтарилади.

**155¹⁵-модда. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар**

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризага, ушбу Кодекс 114-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари, қуйидагилар илова қилинади:

1) фаолиятни тугатиш, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш тўғрисидаги аризага — таъсис ҳужжатларининг ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхалари; ташкилот ёки фуқаро томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг фаолиятни тугатиш, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш учун асос бўладиган тарзда бузилганлигини тасдиқловчи далиллар;

2) фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш тўғрисидаги аризага — таъсис ҳужжатларининг ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхалари; ташкилот ёки фуқаро томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш учун асос бўладиган тарзда бузилганлигини тасдиқловчи далиллар;

3) банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги аризага — солиқ тўловчи томонидан солиқ текширувини ўтказишга тўсқинлик қилинганлигини ёки солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудни, биноларни, шу жумладан жойларни текшириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритиш рад этилганлигини тасдиқловчи далил;

4) молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги аризага — текшириш ўтказилишига асос бўлган ҳужжатлар (назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг қарори, бундай қарор олиш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳоллар бундан мустасно; агар текшириш жиноят иши доирасида ўтказилса, тергов органининг (суриштирув органининг) қарори; текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ; текшириш ўтказиш режаси ва ҳоказо); текшириш натижалари бўйича тузилган далолатнома ёки бошқа ҳужжат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар; текшириш материалларини кўриб чиқиш баённомаси ва қарор, агар уларни тузиш ёки қабул қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса; қарорнинг кўчирма нусхаси жавобгарга топширилганлиги ёки юборилганлиги далили;

5) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш тўғрисидаги аризага — лицензиянинг (рухсатноманинг) ва лицензия шартномасининг тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхалари; ташкилот ёки фуқаро томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг ва лицензия шартномаси шартларининг лицензиянинг (рухсатноманинг) амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва (ёки) лицензияни (рухсатномани) бекор қилиш учун асос бўладиган тарзда бузилганлигини тасдиқловчи далил.

**155¹⁶-модда. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича хабарномалар ва чақирувлар**

Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилади. Бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Процесснинг бошқа иштирокчилари ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилинади ва судга чақирилади.

**155¹⁷-модда. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича суд муҳокамаси**

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши керак, ариза хўжалик судига келиб тушганидан кейин камида бир ойдан сўнг кўриладиган молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда хўжалик суди суд мажлисида: ҳуқуқбузарлик ҳодисаси бўлган-бўлмаганлигини ва унинг содир этилганлиги фактини; текшириш учун ва текшириш натижалари бўйича далолатнома ёки бошқа ҳужжат тузиш учун асослар ва назорат қилувчи органнинг ваколатлари бор-йўқлигини; мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган-тутилмаганлигини ва ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун асослар бор-йўқлигини аниқлайди.

Молиявий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда хўжалик суди молиявий жазо чоралари суммасининг ҳисоб-китоби қанчалик тўғрилигини ҳам текширади.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича келишув битими тузилишига йўл қўйилмайди.

**155¹⁸-модда. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича хўжалик судининг ҳал қилув қарори**

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори хўжалик суди томонидан ушбу Кодекснинг 18-бобида белгиланган қоидалар асосида қабул қилинади.

Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ёки арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилган шахснинг номи;

2) ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

3) қўлланилган ҳуқуқий таъсир чорасининг тури, молиявий жазо чораси қўлланилган тақдирда эса унинг миқдори; зиммасига молиявий жазо чораси суммасини ундириш юклатилган назорат қилувчи органнинг номи;

4) фаолият чекланадиган, тўхтатиб туриладиган ва тақиқланадиган муддат; лицензиянинг (рухсатноманинг) амал қилиши тўхтатиб туриладиган муддат; амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган лицензиянинг (рухсатноманинг), шунингдек бекор қилинган лицензиянинг (рухсатноманинг) номи, рақами, берилган санаси ва бошқа реквизитлари ҳақидаги ҳамда лицензияни (рухсатномани) берган орган тўғрисидаги маълумотлар; фаолият қандай шартлар бажарилгунига қадар чекланаётганлиги, тўхтатиб турилаётганлиги ва тақиқланаётганлиги; банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги.

Хўжалик судининг ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикояти (протести) берилмаган бўлса, у қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда хўжалик судининг ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин уч иш куни ичида хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади»;

6) **158-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хўжалик судининг ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида берилади»;

7) **167-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хўжалик судининг ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикояти (протести) хўжалик судига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги 69–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда, № 9, 494-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда, № 12, 465-модда) **40¹-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг фаолиятини чекловчи чоралар қўлланилади. Бунда тадбиркорлик субъектларига нисбатан қуйидаги ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида қўлланилади:

фаолиятни тугатиш;

атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш;

фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

молиявий жазо чораларини қўллаш, бундан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари мустасно;

ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно».

**7-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 21 апрель
№ ЎРҚ—288

# КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

**Халқаро конференция қатнашчилари давлатимиз раҳбари тақдим этган Концепцияни шундай баҳолашмоқда.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда Ш. Феннел "бугун халқаро майдонда насиҳатгўйликка эмас, балки ўзаро ҳамкорликка асосланган янги модель долзарб" эканлигини ва айни шу жиҳатдан олиб қараганда "ўзбек модели" халқаро доирада том маънодаги қизиқишни уйғотаётганлигини таъкидлади.

**"Pantheon-Assas Paris II" университети ҳузуридаги Франция матбуот институти докторанти, Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича эксперт Колин Ферро**нинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклиф этган ислоҳотлар давлат бошқарувининг барча тизимини такомиллаштиришга йўналтирилгандир.

Унинг фикрича, "давлат Конституциясига киритилган ўзгартишлар ҳозирги замон талабларига тўла-тўкис мос келади. Республикада сайлов тизими сифатини оширишнинг галдаги жараёнига тааллуқли ислоҳотлар, умуман, жамиятни, хусусан, сиёсий партиялар фаолиятини демократлаштиришда жуда муҳим қадамдир".

Эксперт Концепциядаги иқтисодий ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратди. Хусусий мулк дахлсизлигини тан олиш ва мулкдорларга тегишли кафолатларни яратиш, унинг назарида, ҳозирги замон иқтисодиётининг мутлақо зарурий шартидир.

"Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини муваффақият билан енгиб ўтиб, бугунги кунда келажак сари дадил одимламоқда, шу аснода ўзбек халқининг бой тарихий-маданий мероси ҳамда умумэътироф этилган демократик қадриятлари уйғунлашиб бормоқда. Шундай қилиб, Концепцияда таклиф этилган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонда мамлакатнинг маданий-ижтимоий муштараклигини сақлаган ҳолда, илғор демократик жамият вужудга келтирилишига имкон туғдиради", деб ўз сўзини якунлади К. Ферро.

Бўлажак конференциянинг яна бир қатнашчиси, **бельгиялик олим, профессор Хилберн Бойс** Концепцияни давлат тараққиётининг энг устувор йўналишларини аниқ белгилаб берган ҳужжат сифатида Ўзбекистонда жамиятни янада демократлаштириш йўлида муҳим қадам, деб атади.

Экспертнинг сўзларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, хусусан, давлатни иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланмиш оилавий бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини жорий этиш борасидаги таклифлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Профессор ўз сўзи якунида катта иқтисодий, минерал-хом ашё ва инсон салоҳиятига эга Ўзбекистон хорижий сармоядорларни, аввало, мамлакатда барқарор сиёсий вазият билан ўзига жалб этади, деган фикрни айтди. "Ушбу мамлакатда татбиқ этилаётган барча янгиланишлар, — деди у, — республикани янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва гуллабяшнатишга кафолат бўлади".

**«Жаҳон» АА.**

# РИЗҚ-РЎЗИМИЗ МАНБАИ

**Уни асраш инсониятнинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда.**

Бугунги кунда юртимизда табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит мусаффолиги ва экологик барқарорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизнинг Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонунлари бу борада ҳуқуқий асос ролини ўтаётган бўлса, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларининг ижроси туфайли ўтган даврда 240 минг гектар ернинг унумдорлиги тиклангани шундан далолат беради.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан 22 апрель "Халқаро ерни муҳофазалаш куни" сифатида нишонланади. Зеро, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай, ер ва ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини қониқарли, деб бўлмайди.

**22 апрель — Халқаро ерни муҳофазалаш куни**

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамияти, "Экосан" экология ва саломатлик халқаро жамғармаси ҳамда "Чинор" экологик компанияси томонидан "Ангрен кўмир ҳавзаси" корхонасига уюштирилган медиатурда шу хусусда фикр юритилди. Бу тадбирнинг бевосита ишлаб чиқариш корхонасида ташкил этилгани бежиз эмас. Негаки, республикамиздаги энг йирик саноат мажмуаларидан бири ҳисобланган "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамияти тасарруфида саккизта ташкилот мавжуд бўлса, "Ер ости ишлари" ва "Ангрен кўмир ҳавзаси" корхоналари жамоалари бевосита кўмир қазиб олиш билан шуғулланади. Шу билан бирга, жамият атроф-муҳит муҳофазаси бўйича муайян тажрибага ҳам эга.

Медиатур доирасида журналистлар "Ангрен кўмир ҳавзаси" ҳудудида ташкил этилган боғ билан танишиш баробарида, бевосита кўмир қазиш жараёни билан боғлиқ саволларига батафсил жавоб олдилар.

Тадбир давомида, шунингдек, "Чинор" экологик нашриёт компанияси томонидан тайёрланган "Ўзбекистон экологик электрон кутубхонаси" биринчи нашрининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

**Д. УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жумладан, Концепциядан келиб чиққан ҳолда, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги ролини оширишни, улар кўмагида мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш, хусусий секторни, кичик бизнес, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш, қисқача айтганда, маҳаллани кичик ва оилавий бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айлантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Зеро, сўзга чиқувчилар фикрича, бундай вазифаларни муваффақиятли бажариш орқали аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, юртдошларимизнинг ижтимоий фаоллиги ҳамда сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва пировардида кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш мумкин бўлади.

Бўлиб ўтадиган сайловда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини теран ҳис этадиган, ишбилармон, одамларни ўзига эргаштира биладиган юртдошларимизнинг раис ва унинг маслаҳатчилари этиб сайланиши ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Сайловда 9973 нафар раис ва 90 минг нафардан ортиқ маслаҳатчи сайланиши мўлжалланмоқда. Бу масъулиятли лавозимларга муносиб кишиларнинг танлаб олиниши муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, семинарда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари", "Сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш", "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига кўмаклашувчи комиссиялар вазифалари", "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларнинг вазифалари", "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатиш жараёни", "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш жараёнида амалга ошириладиган ишлар" мавзуларида маърузалар қилиниб, бу масалалар иштирокчилар томонидан кенг муҳокама этилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

**_Ирландиянинг “Allied Irish Bank”и 2010 йил давомида 10,4 млрд. евро миқдорида зарар кўрганини маълум қилди._**

### Зарар тўрт баробар кўп



Бу 2009 йилдагига нисбатан 4 баробар кўпдир. Шунинг учун молия муассасаси 2011 — 2012 йиллар мобайнида икки мингдан ортиқ иш ўринларини қисқартиришни режалаштирмоқда. Бундан олдин мамлакатнинг бошқа бир банки — “Anglo Irish Bank” ўтган йилни 17,7 млрд. евро камомад билан якунлаганини билдирган эди.

### Акциясини сотиб олди

**_Италиянинг “Fiat” автокомпанияси соҳадоши —“Chrysler” (АҚШ)га тегишли акцияларнинг яна 5 фоизини сотиб олди._**

Шундай қилиб, унинг умумий пакетдаги улуши 30 фоизга етди. “Fiat” айни пайтда “Alfa Romeo”, “Ferrari” ва “Maserati” каби русумларининг янги авлодларини яратиш орқали бозордаги нуфузини оширишга ҳаракат қилмоқда. Юқоридаги харид эса унинг бу борадаги мақсади сари қўйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири сифатида баҳоланмоқда.

### Сув остидаги энг чуқур қудуқ

**_Швейцариянинг нефть ва газ конларини қазиб берувчи йирик “Transocean” компанияси Ҳинд океанининг 3077 метр чуқурлигида бурғилаш ишларини олиб борди._**



Шу пайтгача ҳеч бир корхона сув остига бу қадар чуқур тушиб бора олмаган эди. Эътиборлиси, бу борадаги аввалги рекорд ҳам швейцариялик бурғиловчиларга тегишлидир. Улар 2003 йили Мексика кўрфазида 3051 метрлик чуқурликни забт этиб, ўзига хос нефть қудуғини яратишган.

### Қўлдан чиққан кубок

**_Мадриднинг “Реал” футбол клуби ўз тарихида ўн саккизинчи бор Испания кубогини қўлга киритди._**

Финалда “Барселона” жамоасига қарши майдонга тушган Қироллик клуби аъзолари Криштиану Роналдунинг ягона голи эвазига зафар қучдилар. Айтиш жоизки, “Реал” вакилларига 1993 йилдан бери ушбу мукофот насиб этмаётганди. Шу боис ҳам бутун Мадрид шаҳри кўчаларида байрамона кайфият ҳукм сурди. Ғолибларни кутиб олишга минглаб мухлислар чиқди. Айни шу қувончли лаҳзаларда юз берган кичик бир кўнгилсизлик катта шов-шувга сабаб бўлди. Гап шундаки, ғалабани нишонлаш мақсадида усти очиқ автобусга чиқиб олган “Реал” аъзолари, хусусан, Серхио Рамос кубокни боши узра кўтариб ўз хурсандчилигини намойиш этмоқчи бўлади. Бироқ бехосдан кубок унинг қўлидан тушиб, автобус остига кириб кетади. Шундай қилиб, мадридликлар ўз уйларига пачоқланган кубок билан боришди.

**_Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди._**

---

*Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, хонадонлар, хусусан, кўп қаватли уйларда сув таъминотини яхшилаш, бу борада оқова сувлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Сувсоз” давлат корхонаси жамоаси ҳам зиммасига юклатилган ана шундай вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётир.*

# ИЛҒОР ВА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## ичимлик суви таъминотини яхшилашга хизмат қилмоқда

Маълумки, таъминотдаги муаммо ва камчиликларга барҳам бериш, мавжуд тармоқларни янгилаш ва таъмирлаш ишлари аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабини тўла қондириш имконини яратади. Шу боис соҳа ходимлари бу юмушга доимо катта эътибор билан ёндашмоқдалар. Жумладан, бу борада Тошкент шаҳар “Сувсоз” тресты жамоаси томонидан бажарилаётган ишлар эътиборга молик.

Шу ўринда пойтахт аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш иншоотлари қурилиши тарихига доир айрим маълумотларни келтириб ўтсак. Айтиш жоизки, ўтган аср бошларида Тошкент шаҳри марказини сув билан таъминлаш ҳудуддаги кичик артезиан қудуғи орқали амалга оширилган бўлса, 1925 йилда дастлабки Тошкент ичимлик суви тармоқлари лойиҳаси устида иш бошланиб, 1931 йилда Бўзсув каналида Бош сув иншоотининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. “Бўзсув” Бош сув иншооти шаҳар сув ўтказгич тармоқларининг дебочаси бўлиб, унинг бошланғич қуввати бир кеча-кундузда 3800 кубметр, тармоқ узунлиги эса 30 километрни ташкил этди. 1940 йилга келиб, мазкур сув иншооти ва шаҳар ер ости сувлари иншоотлари қуввати 152 баробарга оширилди. 1955 йилда “Қибрай” сув иншооти, 1961 йилда “Салар” аэрация станцияси, жанубий ичимлик сув станциялари ишга туширилди. Шу тариқа сув таъминотини яхшилаш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширила бошланди.

> Мустақиллик йилларида бу борадаги ишлар бутунлай янги босқичга кўтарилиб, бунёдкорлик кўлами ва миқёси янада кенгайди. Натижада пойтахт аҳолисига 8 та сув иншооти орқали бир кеча-кундузда 2 миллион куб метрдан зиёд сиғимдаги ичимлик суви етказиб бериш йўлга қўйилди.

Сув таъминотини яхшилаш, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик борасида ҳукуматимиз томонидан ҳам алоҳида чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, бу тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда қўл келаяпти. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 февралдаги “Тошкент шаҳрининг сув таъминоти тизимини такомиллаштириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Тошкент шаҳар ҳокимияти ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги кредит шартномаси”га мувофиқ, “Сувсоз” трестига 2004 — 2009 йиллар учун 10 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган эди. Ушбу маблағлар йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қўл келди.

— Мазкур лойиҳа доирасида Тошкент шаҳридаги мавжуд учта йирик ичимлик сувини тозалаш иншоотидаги эскирган насос ва электр ускуналари замонавий ҳамда тежамкорлари билан алмаштирилди ва барча технологик жараёнлар автоматлаштирилди, — дейди “Сувсоз” тресты бош муҳандиси Дунанбой Казибеков. — Бундан ташқари, “Қодириё” иншоотидаги кимё-бактериологик лаборатория ичимлик суви си-

### Модернизация

фатини таҳлил қилишга мўлжалланган янги ускуналар билан жиҳозланди. Бу шаҳарга узатилаётган ичимлик суви сифати ва таркибини янада кенгроқ таҳлил қилиш имконини бермоқда.

Айни кунда трест жамоаси Юртбошимизнинг 2010 йил 16 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Тошкент шаҳри канализация тизимини мукаммаллаштириш” лойиҳасини амалга оширишга киришган. Ислом тараққиёт банки иштирокидаги ушбу лойиҳага кўра, ҳудуддаги 6,5 километр узунликдаги оқова сувлар коллекторини қуриш, 3 та оқова сувларни тозалаш иншоотини модернизация қилиш, махсус техника ва лаборатория ускуналари харид қилиш кўзда тутилган. 2014 йилда якунланиши режалаштирилган ушбу истиқболли лойиҳага кўра, замонавий технологияларнинг қўлланилиши ҳисобига оқова сувларни тозалаш сифати, шаҳардаги экологик вазият янада яхшиланади, пойтахт ҳудуди марказлаштирилган оқова сув тизими билан тўлиқ қамраб олинади. Қолаверса, эски техниканинг экскаватор, автокран, самосвал ва махсус коммунал автотехникалар билан алмаштирилиши аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш баробарида, иш унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш, қўшимча сарфхаражатларнинг камайишига хизмат қилади.

Шунингдек, ҳозир трест жамоаси томонидан шаҳардаги учинчи босқич насос станцияларидаги мавжуд ускуналарни модернизация қилиш ишлари давом этмоқда. Жумладан, насосларга электр токи частотасини ўзгартирувчи қурилмалар ўрнатилаётгани электр энергиясини тежаш, шу билан бирга, кечаю кундуз сувни бир меъёрдаги босимда етказиб бериш имконини яратади. 2010 йилда 27 та насос станцияси ана шундай замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Натижада йилига 150 миллион сўмлик 2,5 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаш имконияти яратилди. Жорий йилда яна 55 та станцияни шундай тежамкор ускуналар билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди.

Бундан аён бўладики, аҳолига ичимлик суви етказиб бериш — мураккаб ва машаққатли жараён. Шундай экан, уни истеъмол қилишда ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймаслик, таъминот корхоналаридаги узатиш ва тақсимлаш қурилмалари, тармоқларини янгилаш ва шу билан бирга, фойдаланилган ичимлик суви учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш талаб этилади. Ана шундан келиб чиқиб, айни пайтда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Жумладан, истеъмолчиларга қулайлик яратиш, ҳисоб-китоб жараёнини такомиллаштириш ҳамда тўлов интизомини ошириш мақсадида сайёр кассалар уюштирилиб, тўловлар бевосита аҳоли яшаш жойларида қабул қилинаяпти. Шу билан бирга, аҳолига қарздорлиги кўрсатилган ҳисобварақалари тарқатилмоқда. Истеъмолчилар бу ҳисобварақалари орқали ўзларига қулай вақтда ва жойда исталган банк кассалари орқали тўловларни амалга оширишлари мумкин. Шунингдек, аҳолининг манфаатдорлигини ошириш ва сув сарфини камайтириш мақсадида хонадонлар, корхона ва ташкилотларга сув ўлчаш ускуналари ўрнатилмоқда.

> Хулоса қилиб айтганда, аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Яъни таъминотчи корхона ўз зиммасидаги мажбуриятларини тўлиқ уддалашга ҳаракат қилаяпти. Галдаги мақсад — бебаҳо неъмат саналган ичимлик сувидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш. Бу эса истеъмолчилар — барчамизнинг бурчимиз.

**Усмон УСМОНОВ тайёрлади.** t

---

# Яхна ичимликлар — истеъмолчиларга

**_Хатирчи туманининг Янгиработ қўрғонида яхна ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Севинч” хусусий фирмаси ишга туширилди._**

### Интилиш

Бунинг учун тадбиркор Дилшод Ҳасанов банкнинг 150 миллион сўмлик кредити эвазига замонавий технологиялар келтириб ўрнатди. Натижада бу ерда кунига икки минг литр ҳажмдаги хуштаъм шарбатларни бежирим идишларга қадоқлаб, 6 турдаги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

Саккиз киши меҳнат қилаётган жамоа қисқа муддатда 24 миллион сўмлик маҳсулотни ички бозорга чиқарди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Навоий вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Нурота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 20 июндаги 21-02-02/122-сонли ижро ҳужжатига асосан, «Нурота туман МТП» АЖдан хатланган, Нурота шаҳри, М. Раҳимова кўчаси, 72-уйда жойлашган, умумий ер майдони 85 987,88 кв.м. бўлган маъмурий бино ва иншоотлар қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 216 082 706 сўм.**

**_Аукцион савдоси 2011 йил 23 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади._**

**Талабгорлар диққатига!** Мазкур кўчмас мулк 2011 йил 23 майдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2011 йил 20 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБ Навоий филиалининг АТ «Ипотека-банк»и Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452458, МФО: 00205, СТИР: 200933850.

**Манзил: Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уй, ДМҚ Навоий вилояти бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.**
**Телефонлар: (8-436) 224-15-61, 224-64-31.**
www.rkmb.uz
*Лицензия: DB 001 № 000004.*
555R/280

Россия линолеуми
Тел.: 234-48-11.
Факс: 234-49-58.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
111R/56

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 400 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 550 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60,40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.
227R/227

SONATA
NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.





Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
HYUNDAI Official Partner
www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11
22R/1565

**Диққат, эълон!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

марказий аппарати ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларида тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг муаммоларини муҳокама қилган ҳолда тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида, тадбиркорларнинг мавжуд муаммолари тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилиш бўйича «Ишонч телефонлари» белгиланиб, тадбиркорларни қабул қилиш учун ҳар ойнинг учинчи ўн кунлиги (декадаси) чоршанба куни

**«Очиқ эшиклар куни»** деб эълон қилинди.

*Ҳурматли тадбиркорлар!*

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш, туғилган масала ва муаммолар бўйича Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси марказий аппаратининг қуйидаги телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин:
**(8-371) 239-11-71, 239-15-88.**

| Қўмитанинг ҳудудий идоралари телефонлари: | |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | (8-361) 224-08-77, 224-19-51 |
| Андижон вилояти | (8-374) 237-04-32 |
| Бухоро вилояти | (8-365) 225-31-04 |
| Жиззах вилояти | (8-372) 222-41-99, 222-40-76 |
| Қашқадарё вилояти | (8-375) 771-00-28, 771-00-68 |
| Навоий вилояти | (8-436) 225-45-78, 225-45-79 |
| Наманган вилояти | (8-369) 226-50-20, 226-33-38 |
| Самарқанд вилояти | (8-366) 223-44-60, 234-45-72 |
| Сурхондарё вилояти | (8-367) 225-26-43, 225-48-09 |
| Сирдарё вилояти | (8-376) 222-42-07, 222-49-81 |
| Тошкент вилояти | (8-371) 266-78-68, 266-81-87 |
| Фарғона вилояти | (8-373) 224-14-03, 224-86-17 |
| Хоразм вилояти | (8-362) 227-48-56, 227-48-73 |
| Тошкент шаҳри | (8-371) 277-00-86, 277-75-43 |
| Аналитик назоратга ихтисослаштирилган Давлат инспекцияси | (8-371) 255-08-67, 255-46-34 |

Шунингдек, Давлат қўмитасида фуқароларнинг оғзаки ариза ва шикоятларини қабул қилиш учун **(8-371) 239-43-42** телефони белгиланди.

**Ҳурматли фуқаролар!**

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида сизни қизиқтирган масалалар ва муаммолар билан мурожаат қилишингиз мумкин.

**Ҳурматли тадбиркорлик субъектлари!**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг **WWW.UZNATURE.UZ** веб-саҳифасига Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид қонунлари ҳамда меъёрий ҳужжатлари талабларини бажаришда кўплаб учрайдиган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар, шунингдек, асосий қонун ҳужжатлари жойлаштирилди. Ушбу веб-саҳифадан фойдаланиб, табиатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар талаблари билан тўла танишиш имкониятига эгасиз.

***Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.***
560R/378


“Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи катта илмий ходими, филология фанлари номзоди **Шерали ТУРДИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Технолог” очиқ акциядорлик жамияти жамоаси корхонанинг собиқ бошқаруви раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими **Алишер АБДУРАҲМАНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти жамоаси бош инспектор Алихўжа Маҳмудовга волидаи муҳтарамаси **ЎҒИЛОЙ аянинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



**Сирдарёнинг сувлари сокин. Теран мавжлари соҳилга туташ. Қумли қирғоқдан сал узоқроқда Уч қаҳрамон қишлоғи жойлашган. Одамлари самимий ва меҳмондўст. Уларнинг спорт, айниқса, футболга шинаванда эканлигини айтмайсизми? Етти ёшдан етмиш ёшгача барча-барчаси яшил майдон, чарм тўпнинг ашаддий мухлиси. Мактаб стадиони, маҳаллада копток тепиб юрган болакайларнинг “Мен ҳам Аббос акамдек зўр футболчи бўламан!” дейишларини бу тарафларда деярли ҳар куни эшитиш мумкин.**

**Бунинг боисини суриштирсак...**

# «ФАРЗАНДИМ – ҒУРУРИМ ВА САОДАТИМ»

### Футболимиз келажаги

Ҳаммамиз юртимиз мезбонлик қилган футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати ва унда терма жамоамизнинг ёрқин ўйинларини мириқиб томоша қилдик. Шундай сурурли дамларда “Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган ёш истеъдод эгаларининг бири-биридан чиройли финтлари, тактик ва техник жиҳатдан қиёмига етказилган ҳужумлари ҳамда гулдурос олқишларга сабаб бўлган ажойиб голлари шодаси қалбларимизни бир қувонтирди, бир қувонтирди, асти қўяверасиз”, деган гапларни ҳар қадамда тингладик, хурсанд бўлдик. Ўшанда терма жамоамиз аъзолари орасида чапдастлиги ва чаққонлиги билан ажралиб турган, тўрт-беш рақибини ҳам тезлиги, ҳам моҳирлиги эвазига доғда қолдиришни уддалаган бир йигит барчада катта таассурот уйғотди. Сардорлик борғичида ҳаракатланиб, ҳал қилувчи паллаларда етакчиликни қўлига олган, қишлоқдан чиққан Аббос Мақсудалиевни қисқа вақт ичида нафақат мамлакатимиз, балки халқаро майдонларда ҳам яхши таниб қолишди.

Шунинг учун ҳам унга қишлоқдош тенгдошу укалари ҳавас билан қарайдилар. Қийчув қилиб яшил майдон оламига кириб келаётган мурғак қалблар “Аббос акаси”га ўхшаб дарвозабонни доғда қолдиришга ҳаракат қилаётганларининг сабаби ҳам шунда. Ёши улуғлар, ота-оналар эса уни кўча-кўйда ёки ойнаи жаҳонда кўриб қолишса: “У биздан чиққан, бизнинг қаҳрамон”, деб қўйишади.

— Ўғлим орзуларимнинг жонли тимсолига айланди, — дея қувончини яшира олмайди Аббоснинг отаси Муҳаммадали Жўраев. — Сабаби, ёшлигимда машҳур футболчи бўлиш энг асосий мақсадим эди. Дунё таниган дарвозабон бўлсам дердим. Қайда? У пайтлари ҳаёт бошқа, хаёл бошқа эди. Ўша дамлар чекка қишлоқдаги оддий оиладан катта спортчи чиқишининг ўзи ақлга сиғмайдиган ҳол эди.

Ҳозир ҳар бир ота-она фарзанди камолидан баҳраманд. Ўғил-қизи қайси соҳани танламасин, у хоҳ спорт, хоҳ иқтисод ёки шифокорлик бўлсин, бу йўлда шуғулланиш, ўқиб-ўрганиш, касб эгаллаш учун барча имкониятлар мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг ёш авлодга қаратаётган катта эътибори дунёнинг ҳеч бир ерида учрамайди. Шу туфайли бугун чемпион фарзандлари муваффақиятидан қадди сарбаланд инсонлар кўплаб ота-онамиз ҳеч қаршилик кўрсатишмасди. Энди укамиз, насиб қилса, жаҳон чемпионатига боради.

Аббос Мақсудалиев истеъдодининг намоён бўлишида

**— Жигарбандим Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишини эшитганимда кўзларимга ёш келди, — дейди футболчининг онаси Насиба Жўрабоева. — Ишонсангиз, Тошкентда бўлиб ўтган Осиё биринчилигини кўрамиз деб, бутун қишлоқ, бутун туман кўчиб борди. Ўшанда “Аббос, биз сен билан!” деган ёзувларни кўриб, стадионда баралла айтилаётган ўғлимизнинг исмини тинглаб, отаси иккаламиз шу қадар хурсанд бўлдикки, бу ҳисни сўз билан ифодалаш қийин. Фарзандимиз бизнинг ғууримиз ва саодатимиздир.**

топилади. Ахир мустақилликнинг бундай буюк неъматларидан биз фахрланмай, ким фахрлансин?

Опалари Хуршида ва Дилнозанинг айтишича, Аббос болалигида жуда фаол, тиниб-тинчимас бўлган экан.

— Уй ишларида бизга астойдил ёрдам бериб, кейин ўртоқлари билан стадионга чопқиллаб кетарди, — дея хотирлашади улар. — Бунга Президентимиз ташаббуси билан амалга ошириб келинаётган уч босқичли спорт ўйинларининг дастлабки босқичи — “Умид ниҳоллари”нинг ўрни катта. У мактаб ўқувчилари ўртасидаги ўзига хос Олимпиадада иштирок этиб, тобланди. Пировардида маҳалла, туман, вилоят стадионларидан катта-катта мусобақаларга учирма бўлди. Бунда устози Жамшид Ғофуржоновнинг ҳиссасини ҳам алоҳида тилга олиш лозим. Шундай қилиб, мақсади қатъийлашиб, ўзи профессионаллашиб борди.

Аббос дастлаб Гулистон туманидаги 2-мактаб, Янгиер шаҳридаги футбол-интернатида таҳсил олди. Самарқанд вилоятида ўтказилган футбол-интернатлар ўртасидаги республика биринчилигида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Ниҳоят, 2008 йилда навбатдаги катта қадамни қўйди. “Пахтакор” футбол академиясига ўқишга кирди. “Интилганга толе ёр”, деганларидек, шу йилнинг ўзидаёқ Россияда ташкил этилган ДФЛ Халқаро турнирида жамоаси билан кумуш медаль эгасига айланиши баробарида, “Мусобақанинг энг яхши ўйинчиси” деб топилди. Терма жамоа аъзоси бўлиш эса унинг ҳаётидаги навбатдаги унутилмас воқеа бўлди. Малайзияда ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб, финал босқичига йўлланма олди.

Пойтахтимиз мезбонлик қилган қитъа биринчилигида Хитой, Австралия каби жиддий рақибларни ортда қолдирган Аббос Мақсудалиев сардорлигидаги ўсмирларимиз Осиёда етакчилар қаторидан жой олишди, ўзбек ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлашди.

— Мақсадлар ҳам шунга яраша — Мексика майдонларида ғалабали юришларни давом эттириш ва бизга оталарча меҳрибонлик кўрсатаётган Президентимизнинг ишончини оқлашдир, — деганди Аббос Мақсудалиев ана шу муваффақиятдан кейин. — Бунинг учун барча имкониятлар, шароитлар яратиб берилган. Улардан унумли фойдаланишга сўз берамиз.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ИРОДА, МАТОНАТ, МУВАФФАҚИЯТ

**“Ўзбекистон — асл полвонлар юрти”. Бу сўзлар спортчиларимиз томонидан жаҳон ареналарида қўлга киритилаётган юксак натижаларга гувоҳ бўлаётган хорижлик мутахассисларнинг эътирофи. Ана шундай таърифларга муносиб ҳамюртларимиздан бири Навоийнинг Хатирчисида туғилиб ўсган профессионал армрестлингчи Мирзоҳид Шараповдир.**

— Ватан шану шавкатини ҳимоя қилиш, унинг довруғини оламаро ёйиш бизнинг муқаддас бурчимиздир, — дейди у. — Ана шу масъулият ҳисси янги ғалабалар сари бекиёс куч ва қудрат бахш этади.

Унинг ҳисобидаги олтин медаллар сони ҳам шунга яраша — 11 карра Ўзбекистон чемпиони, 15 марта Осиё ва бир марта Европа очиқ биринчилиги ғолиби, 6 маротаба жаҳон чемпионатининг тенгсиз қаҳрамони. Мирзоҳид Япония, Англия, Канада, АҚШ, Италия, Польша ва бошқа давлатларда ташкил этилган ҳамда кескин дамларга бой мусобақаларда ана шундай ҳавас қилгулик кўрсаткичларни қайд этган.

— Кўзланган мақсадга эришишда ногиронлик тўсиқ бўла олмайди, — дея таъкидлайди у. — Ҳаммаси одамнинг ўзига бўлган ишончи, иродаси ва шунга мос тарзда кўрган тайёргарлигига боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, баҳслар, жумладан, 2010 йилда океанортининг Лас-Вегас шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатига астойдил тайёргарлик кўрдим. Унда дунёнинг 47 давлатидан икки мингга яқин энг кучли билак букиш усталари қатнашди. Масалан, мен иштирок этган 60 кг. вазн тоифасида ўз вақтида жаҳон чемпиони бўлган беш нафар спортчи бор эди.

**Ана шундай мароқли, муросасиз олишувларда ҳамюртимиз финалгача бўлган йўлни муносиб босиб ўтди. Сўнгги “дуэл”да эса россиялик жиддий рақиб, Европанинг тенгсиз армрестлингчиси Александр Вяткин билан куч синашди. Ўз вақтида тезкорлик ва аниқ тактика асосида ишлатилган усул вакилимизга ғалаба олиб келди. Ўшанда Мирзоҳид Шараповнинг яшин тезлигидаги ҳаракатидан Вяткиннинг ўзи ҳам ҳайратини яширолмаганини тан олган экан.**

Спортчимизнинг айнан шу чемпионатда чап қўлда буткул соғлом спортчилар билан тенгма-тенг кураш олиб боргани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. У финалга келгунига тўрт мучаси соғ спортчилар орасида 12 карра жаҳон чемпиони, украиналик Дмитрий Безкоровайнийга имкониятни бой бериб қўйди.

— Мақсадим нафақат ногиронлар, балки соғлом спортчилар орасида ҳам ўзимга билдирилган ишончни оқлаш, — дея фикрида давом этади хатирчилик полвон.

...1981 йил. Эндигина уч ёшга қадам қўйган Мирзоҳидни шифо масканига касалликка қарши эмлаш учун олиб келишди. Эмлангач, орадан уч кун ўтиб боланинг қўл ва оёқлари ишламай қолди. Ота-она фарзандини узоқ вақт даволатди. Афсуски, касаллик асорати чап оёқда қолиб кетди. Шунга қарамай, у атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлаши билан улғайди, юксак марраларни кўзлаб яшаш учун ўзида куч топа олди. Бу йўлда илм олиш ва спорт энг яқин ҳамроҳига айланди.

Чунончи, Навоий давлат педагогика институтининг маданият ва жисмоний тарбия факультетини тугатди. Ҳозир вилоятдаги кончилик коллежида фаолият юритмоқда. Айни пайтда воҳа Паралимпия ассоциациясида бўлим раҳбари.

### Ибрат

— Ёшлигимда боксга астойдил қизиқардим, — дея хотирлайди у. — Бироқ тақдир экан, профессионал чарм қўлқоп устаси бўлиш орзусидан воз кечишга мажбур бўлдим. Кейин ўзимга ўзим “Билагингдаги қувватни бекорга сарфлашдан кўра, армрестлинг бўйича бир кучингни синаб кўр”, дедим. Бу спорт тури билан шуғулланганим сари қизиқишим ортиб, мақсадим ҳам қатъийлашиб борди. Дастлаб Навоий шаҳрида ўтказилган турнирда ўнг қўлда иккинчи ўринни олдим. Буни кўрган мураббий Игорь Шишков “Сенда зўр қобилият бор экан. Бир омадингни синаб кўрмайсанми?” дея таклиф қилди. Рози бўлдим. Аниқ кун тартиби асосида тайёргарлик кўра бошладик. Икки ойдан сўнг илк катта ғалабага эришдим. Навоий шаҳри чемпиони бўлдим.

Матонати пўлат, интилиши кучли қаҳрамонимиз катта спорт оламига шундай кириб келган. Бундан ташқари, паралимпиячилар ўртасида ядро улоқтириш мусобақаларида қатнашиб, яхши натижалар кўрсатиб келаётгани Ўзбекистонда инсон нимаики эзгу ният қилса ва ана шу йўлда оғишмай олға борса, албатта, кўзланган чўққилар забт этилишининг яна бир исботига айланди. Енгил атлетиканинг ушбу мураккаб турида у бир карра мамлакат чемпиони ва Кувайтда ташкил этилган халқаро турнир ғолиби бўлгани фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

— Энг муҳими, — дейди у, — она-Ватанга муносиб ўғлон бўлиш ва билдирилган ишончни ҳамиша оқлашдир.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# СПОРТНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ



**“Қаеринг оғриса, жонинг ўша ерда”, деган гап бор. Бу нақлнинг нечоғли тўғри эканлигини танасининг бирор ери, бир марта бўлса-да, безовта қилган одам жуда яхши англайди. Самарқандлик 16 ёшли Азамат ҳам бундан икки йил аввал кўкрак-бел, умуртқа поғонаси касаллигидан азият чекарди.**

# СУЗИШ ҲАМ ДАВОЛАЙДИ

### Саломатлик

Кунлардан бир куни у ўртоқлари қистовида Самарқанд шаҳридаги Олимпия захиралари тайёрлаш маркази қошидаги “Дельфин” сув спорти саройига боради. Сувда сузиб юрган тенгқурларини, катта-кичик ёшдаги одамларни кўриб, уларга ҳаваси келади ва сузишга иштиёқ пайдо бўлади. Бироқ сузиш унинг саломатлигига тўғри келармикан? Буни билиш мақсадида тиббий кўрикдан ўтади. Машқларда иштирок этишга рухсат олгач, “Дельфин”га мунтазам қатнай бошлайди. Ҳар ойда врач кўригидан ўтишни ҳам канда қилмайди. Буни қарангки, шу зайлда орадан икки йил ўтиб кетади. Спорт мажмуаси шифокорларининг айтишича, Азаматдаги касаллик белгилари секин-аста йўқола бошлабди.

Дарҳақиқат, шифокорлар сув ҳавзаларида вақти-вақти билан чўмилиб туриш, имкони бўлса, бу машғулот билан доимий шуғулланиш инсон саломатлиги учун жуда фойдали эканлигини бот-бот таъкидлашади. Биринчи тоифали врач Ҳусан Сайфуллаев бу ҳақда шундай дейди:

— Сувда сузиш, айниқса, ёш болаларнинг жисмоний камолотида муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, нафас йўли, асаб ва таянч-ҳаракат аъзоларидаги касалликларни бартараф этишда ҳам яхши самара беради. Бунда, албатта, сузиш қонун-қоидаларига риоя қилиш лозим. Агар танлаш имконияти бўлса, машғулотларга эрта тонгда ва кейинги уч-тўрт соат оралиғида борган маъқул.

Афтидан, ана шу оддий ҳақиқатни биладиганлар тобора кўпаймоқда. Буни “Дельфин” сув спорти саройи директори Камол Хайриддиновнинг қуйидаги гапларидан ҳам билиб олса бўлади.

— Ҳозирги кунда соғломлаштириш ва олимпия гуруҳларимизда икки минг нафардан ортиқ катта ва кичик ёшдаги кишилар сузиш ҳамда синхрон сузиш машғулотларида иштирок этаяпти. Тажрибали мураббийларнинг фидойилиги ва самарали меҳнатлари натижасида Самарқанд синхрон сузиш ва сув спорти мактаби шаклланди. Кейинги икки-уч йил ичида тарбияланувчиларимиз мамлакат чемпионати ва бошқа қатор мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Эътиборлиси, 2004 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилган, жаҳон талабларига мос келадиган ушбу спорт саройида томошабинлар учун ҳам, ҳаваскор спортчилар учун ҳам барча қулайликлар яратилган. Уқалаш, ювиниш хоналари ҳамда тренажёр зали бу ерга қатновчиларни чиниқтиришда ва саломатликларини мустаҳкамлашда қўл келаяпти.

Мухтасар айтганда, сувда чўмилган одам ҳам роҳат қилади, ҳам дарддан узоқроқ юради. Маслаҳатимиз, сиз ҳам хасталикдан узоқлашишга бугунданоқ киришинг!

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ.**



### Мундиалга ҳозирлик жиддий

Навбатдаги жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўраётган футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 1 июнь куни Киевда Украина терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушади.

Бу ҳақда куни кеча томонлар ўзаро расмий келишувга эришди.

— Украина Европада ўз ўрнига эга бўлган кучли жамоа ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Вадим Абрамов. — Шу боис, бу каби жамоаларга қарши ўйнаш бизга ҳар томонлама фойдали бўлади. Шогирдларим ҳам уларга қарши муносиб ўйин намойиш этишига ишонаман.

Таъкидлаш лозимки, бу украиналикларга қарши дастлабки ўйин эмас. 2007 йили Рауф Инилеев бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси меҳмонда Украина футболчиларига 1:2 ҳисобида имкониятни бой берганди.

Маълумки, ҳамюртларимиз Украина билан ўйиндан уч кун ўтиб, Пекинда Хитой терма жамоасига қарши баҳсда иштирок этадилар.

# Саралаш мусобақаси Тошкентда ўтади

Футбол бўйича 2012 йили ўтказиладиган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш босқичининг “С” гуруҳи ўйинларига Тошкент шаҳри мезбонлик қилади. Бу ҳақда ОФКнинг тасдиқловчи ҳужжати Ўзбекистон футбол федерациясига тақдим этилди.

“С” гуруҳида мураббий Дилшод Нуралиев бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Тожикистон, Баҳрайн, Қирғизистон ва Ҳиндистон футболчилари билан кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб боради.

Эслатиб ўтамиз, Осиё чемпионати саралаш босқичи ўйинлари шу йилнинг 12 — 20 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

**Норбек НИЁЗОВ тайёрлади.**

# «Ҳали етиб борганим йўқ...»



**Икки альпинист баланд қояга чиқиб кетаётган экан. Бири тойиб, тушиб кетибди.**

**— Бирор жойинг лат еганини йўқми? — деб қичқирибди шериги.**

**— Билмадим, ҳали пастга етиб борганим йўқ! — деб жавоб берибди тушиб кетаётгани.**

### Шунчаки ҳазил...

Рефери санаяпти:

— Бир, икки, уч...

— Менга қара, — шивирлабди секундант чўзилиб ётган боксчига. — Саккизгача турма!

— Яхши, — деб инқиллабди боксчи. — Ҳозир соат неча бўлди?

***Пойга натижаларидан ранжиган от эгаси чавандозни койияпти:***

***— Нима бало, тезроқ югурсанг бўлмасмиди?!***

***— Мен-ку югурардим-а, лекин қоидага кўра, отдан тушиш мумкин эмасди-да!***

# Ғаройиб ва ғалати

### Биласизми?

Эскимослар (АҚШ Аляскасида, шимолий Канадада ва Гренландия оролида яшайдиган халқ) ҳам футбол ўйнайди. Уларнинг бу спорт тури “аксектук” деб номланади. Мазкур ўйинда дарвозалар бир-биридан 16 км. узоқликда жойлашган бўлади. Мусобақа эса уч кун, тонгдан тунгача давом этади.

*Машҳур олим Пифагор қадимги Олимпиада ўйинларида муштлашув (ҳозирги бокс) бўйича чемпион бўлган. Яна бир таниқли физик Нильс Бор футбол бўйича Дания терма жамоаси таркибидан дарвозабон сифатида жой олган. У ҳаттоки Олимпиада ўйинларида ҳам иштирок этган.*

**Туманли Альбиондаги ҳаваскорлар футбол лигасида энг тез гол киритилган. Марк Барроуз “Коуз” жамоаси таркибида Эссекс графлиги чемпионатидаги ўйинлардан бирининг иккинчи сониясида рақиб дарвозасини ишғол қилишнинг уддасидан чиққан. Ҳакам ҳуштаги чалинган заҳоти майдон марказидан дарвозага йўлланган тўп кучли шамолнинг беминнат “ёрдами”да учиб бориб, ҳали учрашув бошланганини ҳис қилиб улгурмаган дарвозабонни доғда қолдириб, тўрдан жой олган.**

**Фигурали учиш спорт турини швейцариялик ҳарбийлар ўйлаб топишган экан. Қоидаларга риоя қилмаган аскар оёқларига юпқа тахта маҳкамланиб, музлаган кўл устига чиқарилган. У эса силлиқ юза устида дам-бадам йиқилган ва катта қийинчилик билан мувозанатни сақлаган. Айбдор шу тахлит жазоланган.**



Кўп киши билан шахмат ўйнаш бўйича жаҳон чемпиони Карпов, Крамник, Ананд ёки Каспаров эмас. Унинг исми Властимил Хорт. Бу гроссмейстер бир вақтнинг ўзида 626 партияда дона сурган. Ҳар ўнинчи партияда эса имкониятни бой берган. Бироқ бу унинг муваффақият қозонишига халақит бера олмаган. Буни қарангки, у мусобақа давомида доскадан доскага ўтавериб, 45 километр йўл босган экан. “Жаҳон чемпиони” деган мақомни ўзида энг кўп сақлаб турган “ақл гимнастикаси” устаси эса Эммануэль Ласкердир. У 27 йил давомида шахмат тожини ҳеч кимга бермай келган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5